

ГЕОГРАФИК ҚОБИҚ ВА УНИ ЎРГАНИШДА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ФАНЛАР ТИЗИМИ

И.Х. Абдуллаев,

Г.Э.Усманова, ТДПУ тадқиқотчи

Географик фанлар тизимидаги биринчи “ўзак” тармокни (кичик тизимни) мазкур тизимнинг табиий канотини намоён этувчи табиий география ташкил этади. Табиий географиянинг бир нечта таърифлари бор, ўзаро улар баъзида таърифлаш шакли билан, гоҳида эса тубдан фарқ қилади. Биз, бу борада, рус олими Н.И.Михайлов таклиф этган таърифни келтирмоқчимиз. «Табиий география—ернинг географик қобиғи, унинг таркиби, тузилмаси, шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, маконда тақсимланиши тўғрисидаги фандир».(Михайлов Н.И. Физико—географическое районирование. – М.. Изд. МГУ,1985).

Табиий географиянинг ички тузилмаси тўғрисида олимлар жуда кўп ёзишган. Баъзи бир тафовутларига қарамай, табиий география таркибида қуйидагиларни ажратиш мумкин: 1) умумий табиий география; 2) регионал (минтақавий) табиий география; 3) тармоқлар бўйича табиий-географик фанлар.

Умумий табиий география (ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилик табиий географлар уни умумий ер билими билан тенглаштирадilar) фундаментал табиий географик фан бўлиб, табиий географиянинг асосий негизини ташкил этади. У географик қобиқнинг тузилиши, ҳаракати, динамикаси ва эволюцияси қонуниятларини ўрганади ҳамда бу қобиқнинг ҳудудий дифференциацияси муаммоларини (зоналлик, а зоналлик, турли даражадаги табиий районлар)ни тадқиқ этади. Шунингдек, ҳудудий табиий географик бирликларнинг умумий тизими, таснифи, турланиши ва таксономияси ҳам умумий табиий географиянинг вазифаларидан ҳисобланади.

Умумий табиий география табиий географик районлаштириш ва мураккаб табиий ва табиий антропоген геосистемалар—географик қобиқнинг таркибий қисми сифатидаги ландшафтларни ўрганувчи

ландшафтшуносликнинг умумий назарий масалаларига ҳам тааллуқли. Одатда, унинг таркибига бу қобикнинг ривожланиш қонуниятлари, инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи ва ўтмиш географияси ландшафтлари тўғрисидаги фан–палеогеографияни ҳам киритадилар.

Регионал табиий география муайян ҳудудларни, улар табиатининг ўзига хос хусусиятларини, табиий ресурсларини, шаклланиш анъаналари ва ривожланиш жараёнларини ўрганади. Бунда, турли таксономик даражадаги ҳудудий бирликлар– мамлакатлардан тортиб майда район (туман)ларгача, микроландшафтлар ва элементар ландшафтлар билан бирга, ландшафтларнинг гуруҳлари ва турлари кўзда тутилади. Айрим географик олимлар регионал ландшафтшунослик билан бир қаторда, регионал табиий география таркибига табиий географик мамлакатшуносликни ҳам қўшадилар.

Энди алоҳида бир гуруҳни ташкил этувчи тармоққа оид табиий географик фанларга қисқача тавсиф берамиз. Бу фанларни ягона ўрганиш объекти – географик қобик уларни бирлаштириб туради, бироқ, уларда тадқиқот предмети ҳар хил бўлиб, бу қобикнинг бирор-бир таркибий қисмини ёки томонларини, унинг алоҳида компонентларидан бирини қамраб олиши мумкин. У ёки бу даражада қабул қилинган мана шундай саккизта тармоқни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси, бу **геоморфология**, ер юзасининг тарихан ривожланаётган рельефини ўрганади, қуруқлик ва денгиз туби рельефининг ташқи кўриниши, юзага келиши, ёши, тузилмавий хусусиятлари, у ёки бу шаклларнинг ривожланиши ва тарқалишини, рельефга эндоген ва экзоген жараёнларнинг ҳамда антропоген омилларнинг таъсирини тадқиқ этади ва регионал билан умумий геоморфология фарқланади. Шунингдек, унда тузилмавий, иқлим, динамик, амалий геоморфология, денгиз геоморфологияси ҳам ажратилади. Геоморфология соҳасида рус олимлардан академиклар: К.Марков, И.П.Герасимов, профессорлар: С.Эдельштейн, А.Борзов, М.Шукин, Ю.Мешеряковларнинг хизмати катта.

Иккинчиси, бу **иқлимшунослик**—иқлим тўғрисидаги, унинг юзага келиши, географик тарқалиши ва вақт давомида ўзгариши тўғрисидаги фан. Иқлимшунослик, одатда, умумий иқлимшунослик ва климатографияга бўлинади. Иқлимшуносликнинг асосий вазифаси узок даврлардаги атмосфера жараёнларини ўрганиш, иқлим тартиби тўғрисида фикр юритишга имкон берадиган об-хаво параметрларининг ўлчамлари натижаларини умумлаштиришдан иборат. Энг буюк иқлимшунослар қаторида академиклардан: Л.Берг, М.Будико; профессорлардан: Б.Алисов, Б.Дзердзеевский, Ф. Давитайларни санаб ўтиш мумкин.

Учинчиси, бу **қуруқлик гидрологияси**, қуруқлик сувларидаги ходиса ва жараёнларнинг қонуниятларини, сув баланси ва оқимининг шаклланиши, дарё оқимларининг ва бошқа сув объектларининг тузилмаси, ўзан ва музлик режими, сувларнинг кимёвий таркиби ва ҳ.к.ларни ўрганади. Мувофик равишда, қуруқлик гидрологиясини ўрганиш объекти бўйича дарёлар гидрологияси, лимнология (кўлшунослик), ботқоқшуносликка ажратиш мумкин. Бу соҳанинг энг етук олимлари қаторига: В.Глушков, С.Муравейский, Б.Аполлов, М.Львович, А.Авакянни киритиш мумкин.

Тўртинчиси, бу **океанология**—дунё океанидаги табиий жараёнлар тўғрисидаги фан бўлиб, у океанни гидросферанинг бир қисми сифатида ва яхлит бир сайёравий табиий объект сифатида ўрганади. Океанологиянинг бош вазифаси — яхлит бир ходиса сифатида океан табиатининг умумий қонуниятларини аниқлашдан иборат. Бироқ, айтилиши вақтда, у океан табиатининг алоҳида элементларини ўрганадиган бир нечта табиий йўналишларни ҳам ўз таркибига олади. Бу—океан физикаси, океан кимёси, океан геологияси, океан биологияси. Маҳаллий океанология мактаби асосчилари қаторида академиклар: Ю.Шокальский, В.Шулейкин, К.Марков, Л.Зенкевич, В.Богоров, А.Монин, профессорлар: Н.Зубов, О.Леонтьев ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Бешинчиси, бу **гляциология**, қуруқлик гидрологияси таркибидан XX асрнинг ўрталарида мустақил фан сифатида ажралиб чиққан. Бу фан ер

юзасидаги, атмосфера, гидросфера ва литосферадаги табиий музликлар тўғрисида. Гляциология уларнинг ривожланиш динамикаси ва режимини, атроф-муҳитга таъсирини, ер тараққиётида музликларнинг ролини ўрганади. Шунингдек, қор-музлик ресурслари, музликлар, музлик майдонлари ҳаракати, кўчкилар, музликларнинг ўзгариши ва музлик босиш тарихи ҳам тадқиқ қилинади. Гляциология ўрганиш предметларига мувофиқ равишда музликшунослик, қоршунослик, кўчкишунослик, сув ҳавзалари ва сув оқимлари музликшунослиги ва палеогляциологияга бўлинади. Гляциологиянинг тараққий этишида академиклардан: Г.Авсюк ва В.Котляков; профессорлардан: М.Тронов, Г.Тушинский, Г.Рихтерларнинг хизмати катта.

Олтинчиси, бу **геокриология** (музликшунослик) – музлоқ тупроқлар ва тоғ жинслари, уларнинг юзага келиш жараёнлари, тараққиёт тарихи ва мавжуд бўлиш шароитлари, шунингдек, музлаш ва музлоқ қатламларнинг эриш жараёнлари билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисидаги фан.

Еттинчидан, бу Россияда XIX асрнинг охирларида юзага келган **тупроқлар географияси**дир. Тупроқлар географияси тупроқларнинг пайдо бўлиши ва маконда тарқалиш қонуниятларини ўрганади. У тупроқ ҳосил бўлиш омиллари ва уларнинг тарқалиш қонуниятларини таркибига олган тупроқлар умумий географияси ва мақсади ер юзасининг турли қисмларида тупроқларнинг тарқалишини тадқиқ этиш ва хариталаштириш, уларни тавсифлашдан иборат бўлган тупроқларнинг регионал географиясига бўлинади. Энг кучли рус тупроқшунос олимлардан В.Докучаев қаторида академиклар: М.Глинка, Л.Прасолов, Б.Полинов, И.Герасимов, В.Ковда ҳамда профессорлар: С.Неуструев, В.Фридланд, М.Глазовская, Б.Розанов, Н.Розов, С.Зонн, В.Таргульянни санаб ўтиш мумкин.

Саккизинчиси, бу **биогеография** – география билан биология оралиғида шаклланган, бироқ, Россияда география фанлари қаторидан ўрин олган фан. Биогеография атроф-муҳит омилларига боғлиқ равишда тирик организмларнинг тарқалишини ўрганади ва бундай тарқалиш

конуниятларини ҳамда уларнинг муҳит билан алоқалар ўрнатишини ўз предмети деб билади. Одатда, у ўсимликлар географияси (геоботаника) ва хайвонлар географияси (зоогеография)га бўлинади. Кейинги вақтларда мактаб дастурлари ва дарсликларида табиий ва техноген хавфлар географиясига қизиқиш ортиб бормоқда. Биогеографиянинг ривожланиши академиклардан: Г.Морозов, В.Сукачев; профессорлардан В.Алехин, Л. Раменский, А.Формозов, А.Воронов, Ю. Исакова, А.Тишкова ва бошқалар фаолияти билан боғлиқ.

Юқорида қайд этилган табиий географик фанлар бизнинг фикримизча, замонавий табиий географиянинг ўзагини ташкил қилади. Шунга қарамасдан, табиий география фанининг шаклланиши ва ривожланишида яна бир қатор шунга яқин фанларни ҳам кўрсатиш ёки уларнинг фандаги аҳамиятини қайд этиш мумкин. Бундай фанлар қаторига: палеогеография, палеоантология, гидрология, ландшафтшунослик ва ўлкашунослик каби фанларни ҳам киритиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Лекин, юқорида қайд этилган табиий географик тизими табиий географиянинг асосий бўғинларидан ҳисобланиб, умумий география фанини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.